

Бел Корхона расмиев. 850

Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАҲЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____ иштирокида тузилди.
Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуқна юкламасини технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, усқунанинг бузилиши, портлаш, ёнган, захрланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни теклаш босқичлари:

- I босқич _____ кВт
- II босқич _____ кВт
- III босқич _____ кВт
- IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қўйлади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шининг пўхталигига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклатиши остида қолдирилади.

б) Ёнганга қарши захира насослар ва бошқа ёнганга қарши агрегатлар авария бронига қармадан (шубҳа агрегатлар, заруратга қараб, олдидан Корхона билан келишилган ҳолда) рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

20 22 йил 26 Декабр 14/607 -сон Элликала ГЭПК

«КХХЭТК» АЖ Элликала ГЭПК асосида фаолият юргутувчи раҳбари Қ.Рамапов (кейинги

ўринларда «Корхона» деб аталади) бир томондан Низом асосида

фаолият юргутувчи Элликала ва туземан КСБ Хунор мактаби

раҳбари Ф. Мамаганов (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилди:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 13 333 кВт.с. реактив _____ кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи _____ сўми, тариф бўйича _____ ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тегиштирилган, (керексиз ёлмаси)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маъний истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш усқуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қисёловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки аҳолига тегиштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китоблари сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ариям тигиз пайт - сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) - белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт - энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали.

